


I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида Наманган вилоятида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 7131,0 млрд. сўм, (доллар эквивалентида 13,3 млрд. АҚШ долл.) ёки 2017 йилга нисбатан 171,2 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари




2018 йилнинг январь-декабрида жами асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми, яъни 66,8 % и вилоятнинг иккита ҳудудида, жумладан, Тўрақўрғон туманида – 45,7 %, Наманган шаҳрида – 21,1 % ўзлаштирилди.

Қатор ҳудудларда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди, жумладан, Тўрақўрғон туманида ўтган йилга нисбатан 425,8 % (асосий капиталга инвестициялар ҳажми 3257,7 млрд. сўм), Янгиқўрғон туманида – 212,0 % (268,5 млрд. сўм), Учқўрғон туманида –

160,3 % (410,1 млрд. сўм), Мингбулок туманида – 140,5 % (210,0 млрд. сўм), Чортоқ туманида – 138,4 % (172,6 млрд. сўм), Чуст туманида – 135,6 % (185,3 млрд. сўм), Наманган шаҳрида – 132,2 % (1507,4 млрд. сўм), Косонсой туманида – 127,1 % (298,7 млрд. сўм), ва Норин туманида – 119,0 % (119,3 млрд. сўм).

Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар



2018 йилнинг январь-декабрида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Тўрақўрғон туманида – 14916,3 минг сўм (ёки 2017 йилга нисбатан 425,8%), мос равишда Наманган шаҳрида – 2486,7 минг сўм (132,2 %), Учқўрғон туманида – 2460,3 минг сўм (ёки 160,3 %), Мингбулок туманида – 1724,4

минг сўм (ёки 140,5%), Наманган туманида – 1651,0 минг сўм (80,7 %), Косонсой туманида – 1480,4 минг сўм (127,1 %) ва Поп туманида – 1297,3 минг сўм (42,9 %) қайд этилди.


2018 йилнинг январь-декабрида асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>	<i>Жамига исбатан % да</i>
Асосий капиталга инвестициялар	7131,0	171,2	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар	4021,7	251,3	56,4
бюджет маблағлари	202,0	120,8	2,8
Давлат мақсадли жамғармалари	339,4	237,6	4,8
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	9,3	132,8	0,1
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	1102,1	-	15,5
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	2369,0	184,6	33,2
Марказлашмаган инвестициялар	3109,2	121,6	43,6


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
корхона маблағлари	966,1	110,4	13,5
аҳоли маблағлари	926,1	96,0	13,0
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	453,6	261,9	6,4
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	763,4	142,5	10,7

Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, % да

2018 йил январь-декабрь



2017 йил январь-декабрь



Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2017 йилга нисбатан 251,3 % ёки 4021,7 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 56,4 %и ёки ўтган йилдаги кўрсаткичига нисбатан 18,2 % пунктга кўп) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган

молиялаштириш манбалари ҳисобидан 3109,2 млрд. сўм ёки 121,6 % (43,6 %).

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши – ҳукумат кафолати остидаги ҳорижий инвестициялар ва кредитлар 33,2% ни ташкил этган бўлиб, тўғридан-тўғри ва бошқа ҳорижий инвестициялар ва кредитларнинг умумий ҳажмдаги улуши 6,4% ни, аҳоли маблағлари 13,0%, тижоратбанк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари – 10,7%, корхона маблағлари – 13,5%, республика бюджети – 2,8%, давлат мақсадли жамғармалари – 4,8%, тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – 15,5%, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси – 0,1%.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар (умумий ҳажмдаги улуши, %)



**Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича
технологик таркиби
(2018 йил январь-декабрь)**

	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
Жами, млрд. сўм	7131,0	952,5	6178,4
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
Қурилиш-монтаж ишлари	52,4	87,1	47,0
Машина, ускуна ва инвентар	44,2	9,8	49,5
Бошқа ҳаражатлар	3,4	3,1	3,5

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Республика бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши – 52,4 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга ҳаражатлар – 44,2 % ни ҳамда бошқа ҳаражатлар улуши – 3,4 % ни ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан қурилиш-монтаж ишлари 144,4 фоизга, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати ўтган йил шу даврига нисбатан 269,9 га кўпайиб, бошқа ҳаражатлар 56,4 фоизга камайган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган
асосий капиталга инвестициялар
(2018 йил январь-декабрь)**

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Камига нисбатан, % да Январь- декабрь 2018 й.</i>
Асосий капиталга инвестициялар - жами	7131,0	100,0
<i>Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	290,9	4,1
Тоғ - кон саноати	245,5	3,4
Қайта ишлаш саноати	727,7	10,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавоникондициялаш	3363,7	47,2
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	108,2	1,5
қурилиш	46,7	0,7
Савдо	110,6	1,6
Ташиш ва сақлаш	488,5	6,8
Ахборот ва алоқа	12,8	0,2
Молия ва суғурта фаолияти	17,3	0,2
Таълим	183,3	2,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	123,3	1,7
Саънат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳаси	18,3	0,3
Жами фаолият турларидан ташқари:	1153,9	16,2


	Млрд. сўм	Камига нисбатан, % да
		Январь- декабрь 2018 й.

турар жой қурилишига инвестициялар

Бошқа фаолият турлари	240,3	3,4
-----------------------	-------	-----

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 245,5 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 3,4 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 3363,7 млрд.сўм, (47,2 %), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш фаолият турида 108,2 млрд.сўм, (1,5 %), қурилиш фаолияти турида 46,7 млрд.сўм (0,7 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 488,5 млрд.сўм (6,8%), савдо 110,6 млрд.сўм (1,6 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 12,8 млрд.сўм (0,2 %), таълим соҳасида 183,3 млрд.сўм (2,6 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 1153,9 млрд.сўм (16,2 %), санъат ва маданиятда 18,3 млрд.сўм (0,3 %), соғлиқни сақлашда 123,3 млрд.сўм (1,7 %), молия ва суғурта соҳасида 17,3 млрд.сўм (0,2%), қишлоқ, ўрмон ва балиқчиликда 290,9 млрд.сўм (4,1 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

2018 йилнинг январь-декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби



Асосий капиталда чет-эл инвестициялари ва кредитлари

	Жами хорижий инвестициялар ва кредитлар млн. сўмда	шундан:		Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестициялар ҳамда кредитлар	шундан:	
		Инвестиция	кредит		Инвестиция	кредит
Наманган вилояти	2822625,7	453647,2	2368978,5	453647,2	453647,2	-

Наманган ш.	466332,9	124174	342158,9	124174	124174	4	-
туманлар :							
Мингбулоқ	82327,6	82327,6	-	82327,6	82327,6	6	-
Косонсой	5757,5	5757,5		5757,5	5757,5		-
Наманган	3841,2	3841,2	-	3841,2	3841,2		-
Норин	968,3	968,3	-	968,3	968,3		-
Поп	20648,1	2576,1	18072	2576,1	2576,1		-
Тўрақўрғон	1933299,2	9699,1	1923600,1	9699,1	9699,1		-
Уйчи	4578,4	4578,4	-	4578,4	4578,4		-
Учқўрғон	134471,2	49323,7	85147,5	49323,7	49323,7	7	-
Чортоқ	6314,4	6314,4	-	6314,4	6314,4		-
Чуст	2524,1	2524,1	-	2524,1	2524,1		-
Янгиқўрғон	161562,8	161562,8	-	161562,8	161562,8		-

Вилоятда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида бир қанча инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Бунда энг кўп инвестиция киритган лойиҳачи корхона Янгиқўғон тумунига қарашли "Наманган Жингмингян бюлдинг материалс" корхонаси бўлиб, 20 млн.АҚШ доллари миқдорида машина ва асбоб ускуналар келтирилган. Шу билан бирга Наманган шаҳрида "МИРАЙ СОКС" МЧЖ да пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш учун жами

16,200 млрд.сўм шундан, 2,0 млн.АҚШ долларлик инвестиция лойихаси амалга оширилди. "МИРАЙ СОКС" МЧЖ да қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилиб Туркия давлатидан дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилган. Қайд этилган ишларга жами 16,200 млрд.сўм инвестиция сарфланиб, 30 та янги иш ўринлари яратилган.

Булар қатори "Артсофт текстиль" МЧЖ да лойихани амалга ошириш орқали йиллик қуввати 1200 тонна момик сочиқ, 12 млн. дона тикилган тайёр махсулот ва 10,0 минг тонна синтетик матолар ишлаб чиқарилади. Хозирги кунга 9,4 млн.АҚШ доллар чет эл инвестицияси киритилган.

Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши

2018 йил январь-декабрь ойларида умумий майдони 1151,1 минг кв.м. бўлган 8677,0 та хонадон (2017 йил январь-декабрь ойлари якунига нисбатан 107,4 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 795,2 минг кв.м 6284 та хонадон (92,2 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 1153,9 млрд. сўми ёки 60,4 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, musiқа ва санъат мактаблари қуриш ва қайта таъмирлашда 183,3 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган жами инвестицияларнинг 9,6 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 123,3 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 6,5 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 320,9 км узунликдаги ичимлик суви тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йил январь-декабрь ойлари якунига нисбатан 117,6 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 1843,6 млн.сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилди.

Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш

	<i>Ишга туширилди</i>	
	<i>жами</i>	<i>қумладан қишлоқ жойларда</i>
Турар жойлар умумий майдони, <i>минг кв.м.</i>	1151,1	795,2
<i>улардан:</i>		
якка тартибдаги турар жойлар	1024,4	676,6
намунавий лойиҳалар асосида шаҳар ва қишлоқларда қурилган якка тартибдаги турар жойлар	126,7	118,6
Касалхоналар, ётоқ	400	140
Поликлиникалар (ҚВП ларни қўшган ҳолда), қатнов	1700	800
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, (ўқувчи ўрни)	2956	756
Сув тармоғи, км	320,9	291,8
Газ тармоғи, км	-	-

2018 йилнинг январь-декабрида ишга туширилган турар жойлар

	<i>Ишга туширилди,</i>		<i>Улардан:</i>
	<i>жами</i>	<i>2018 йил январь-декабрь % да</i>	<i>кка тартибдаги турар жойлар</i>
	<i>минг кв.м</i>		<i>минг кв.м</i>
Наманган вилояти	1151,1	106,7	1024,4
<i>туманлар:</i>			
Наманган ш.	104,3	97,2	96,1
Мингбулоқ	64,4	132,0	61,6
Косонсой	115,5	102,0	107,1
Наманган	89,1	84,8	76,4
Норин	83,6	126,6	77,0
Поп	105,1	135,4	98,1
Тўрақўрғон	90,7	73,1	57,8
Уйчи	89,9	98,5	83,9
Учқўрғон	93,2	95,6	85,4
Чортоқ	109,8	165,7	100,2
Чуст	120,5	120,0	97,1
Янгиқўрғон	84,9	104,4	83,5

Қурилиш ишлари

2018 йил январь-декабрь ойларида 1917,7 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,5 фоизни ташкил этди.

Йирик пудрат ташкилотлари	<ul style="list-style-type: none">• ҳажми - 130,6 млрд.сўм• ўсиш суръати - 130,5 %
Кичик ташкилотлар ва микрофирмалар	<ul style="list-style-type: none">• ҳажми- 904,0 млрд.сўм• ўсиш суръати- 107,9 %
Норасмий сектор	<ul style="list-style-type: none">• ҳажми - 883,1 млрд.сўм• ўсиш суръати - 99,0%

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 71,5 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 14,8 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 13,7 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан бажарилган умумий ҳажмнинг 76,0 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби (жамига нисбатан % да)



Бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми улуши 1,5 % ни ташкил этиб, ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 2,4 % пунктга камайди.


Бунда кичик ташкилотлар ва микро фирмалар улуши 34,3 % (0,1 % пунктга камайиш) ва норасмий секторнинг улуши 64,2 % ни (2,5 % пунктга кўпайиш) ташкил этди.

Фуқаролик қурилиши объектларини қуриш ишлари бўйича йирик пудрат ташкилотларининг улуши 34,5 %ни ташкил этди ва ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 10,2 % пунктга кўпайди. Шунингдек, кичик ташкилотлар ва микрофирмалар улуши 65,5 % ни ташкил этиб, ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 8,7 % пунктга камайди.

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари таркибида йирик пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 5,5 % пунктга камайди ва 1,3 % ни ташкил этди. Қолган 94,5 % и кичик ташкилотлар ва микрофирмалар

ҳиссасига тўғри келиб ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 1.3 % пунктга камайди.


Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан

1786,5 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 93,9 фоизини ташкил қилди ва ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,7 фоиз пунктга кўпайди.

**Туманлар кесимида қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръати
(млрд.сўм)**




Шаҳар ва туманлар кесимида қурилиш ишларининг катта қисми Наманган шаҳрида бажарилган бўлиб, вилоятда бажарилган жами қурилиш ишларининг 22,0 % ини ташкил этди, Наманган туманида 11,5 % ни, Уйчи туманида бажарилган қурилиш ишлари эса 9,6 % ни, ташкил этди.

Вилоятда амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши бўйича паст кўрсаткичлар: Мингбулоқ туманида бу кўрсаткич энг паст 3,4 % ни ташкил этди. Шунингдек, Учқўрғон туманида 4,5 % ни, Норин туманида ушбу кўрсаткич 5,0 % ни ташкил этганлигини кузатишимиз мумкин.

Қурилиш ишлари мавсумининг бошланиши билан ҳудудларда бажариладиган қурилиш ишларининг ҳажми ортиб, уларнинг вилоятдаги улуши ҳам ўзгариб боради.

2018 йилнинг январ-декабр ойларида қурилиш ишлари умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши (умумий ҳажмга нисбатан %да)



- | | | | | | |
|--------------|-------------|------------|------------|---------|--------------|
| ■ Наманган ш | ■ Мингбулоқ | ■ Косонсой | ■ Наманган | ■ Норин | ■ Поп |
| ■ Тўрақўрғон | ■ Уйчи | ■ Учқўрғон | ■ Чортоқ | ■ Чуст | ■ Янгиқўрғон |